

Бадал ҳажи



16:20 / 14.05.2025 1722

Исломда ибодатлар уч хил бўлади:

1. Соф бадан ибодати. Масалан, намоз, рўза каби ибодатларда Аллоҳ таолога бўйсунуш, сиғинуш инсоннинг бадани, руҳи билан бўлади. Буларда молга, пулга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Бундай бадан ибодатлари ҳар бир инсонга бирламчи фарз (фарзи айн) бўлади. Уни ҳар бир инсон ўзи бажармоғи лозим, бировнинг ўрнига бошқа биров намоз ўқиб ёки рўза тутиб беролмайди.
2. Соф молиявий ибодатлар. Бу ибодатга закот ва садақа киради. Бу ибодатлар инсоннинг молу пулини сарфлаш билан амалга ошади. Ўша мол олувчи кишининг фойдаси қайд қилинган. Бундай молиявий ибодатларни бировнинг номидан иккинчи одам адо этса бўлади. Мисол учун, мол эгаси закотни ҳисоблаб чиқариб, ҳақдорларга беришни бошқа бир кишидан

Абу Розийн Уқайлий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг отам қартайиб қолган чол. Ҳажга ҳам, умрага ҳам, сафарга ҳам қодир эмас», дедим. **«Отангнинг номидан ҳаж ва умра қил»**, дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаж қилиб кетаётганларида ҳасъам қабиласидан бир аёл туяларининг олдини тўсиб чиқди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг отамга ҳаж фарз бўлган эди, адо этолмай вафот этиб қолди, унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?» деб сўради.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга: **«Отангнинг бирор кишидан қарзи бўлса, адо қилсанг бўладими?»** дедилар. «Бўлади», деди у. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: **«Аллоҳнинг қарзини адо этишинг афзалроқдир»**, дедилар. Ушбу ҳадиси шарифга биноан бадал ҳажи қилишга рухсат бўлган.

«Мўминнинг умр сафари» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2024 йил 06 февралдаги 02-07/ 588-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.